

2-ТОМ, 1-СОН  
НОТЎҚИМА МАТОЛАРНИНГ БИР ДАВРЛИ ЧЎЗИЛИШ  
ДЕФОРМАЦИЯСИНИНГ ЎЗГАРИШИГА ИККИЛАМЧИ МАТЕРИАЛ  
РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

С.У. Патхуллаев

**Аннотация.** Нотўқима матоларининг бир даврли деформация таркибининг ўзгаришига иккиламчи материал ресурсларининг таъсири ўрганилиб, 50% пахта толаси ва 50% пахта чиқиндисига нисбатан 50% пахта толаси ва 50% ипак чиқиндиси, 50% пахта толаси ва 50% жун толаси чиқиндиси, 70% пахта толаси ва 30% жун толаси чиқиндиси бўлганда нотўқиманинг тўлиқ деформация таркиби 25,0% га камайгани аниқланди.

**Аннотация.** Исследовано влияние вторичных материальных ресурсов на изменение одноциклового деформационного состава нетканых материалов по сравнению с 50% хлопковое волокно и 50% хлопковое отходы, общая степень деформации нетканого материала снижается на 25,0% в присутствии 50% хлопковое волокна и 50% шёлковое отходы, 50% хлопковое волокна и 50% шерстяное волокна, 70% хлопковое волокна и 30 % шерстяное волокна.

Нотўқима матоларнинг механик хусусиятлари уларнинг турли кучлар таъсирига муносабатини кўрсатади. Бу кучлар эса турлича бўлиб, улар катта ёки кичик бўлиши, ҳамда бир марта ёки кетма-кет такрорланиб таъсир этиши мумкин. Кучлар нотўқима матоларнинг бўйи, эни йўналишида ёки уларга нисбатан маълум миқдордаги бурчак остида таъсир этишлари мумкин. Натижада, матоларда эгилиш, чўзилиш, буралиш ва ҳоказо деформациялар пайдо бўлади.

Қайишқоқ қисми катта тезлик билан ҳосил бўлади ва мато таркибидаги толаларининг илашувчанлигига боғлиқ ташқи боғланишларни арзимас миқдорда ўзгартиради. Агар мато таркибида жун толаси мавжуд бўлса, ғижимланмайди, чунки қайишқоқ деформация кўпроқ бўлади, агар пахта, ипак, жун толалари мавжуд бўлса ғижимланади, чунки эластик деформация кўпроқ бўлади. Нотўқима матоларнинг қайишқоқ, эластик ва пластик узайишлари нисбати толавий таркибига боғлиқ бўлади ва уларнинг ғижимланмаслигига, ҳамда кийимнинг ўз расмини сақлай олишига таъсир этади.

Нотўқима матоларнинг қайишқоқ, эластик ва пластик узайишларининг иккиламчи хомашё таркибига қараб ўзгариши тадқиқ этилди ва олинган синов натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилди.



2-TOM, 1-SON

1-жадвал

Нотўқима матоларининг бир даврли деформация таркибининг ўзгаришига иккиламчи материал ресурсларининг таъсири

т/р	Нотўқима мато таркибидаги иккиламчи материал ресурслари	Тўлиқ деформация таркиби, %	Тўлиқ деформация таркибининг улушлари		
			қайишқоқ	эластик	пластик (колдиқ)
1.	50% пахта толаси билан 50% пахта толаси иккиламчи материал ресурслари	8,0	0,33	0,33	0,33
2.	50% пахта толаси билан 50% ипак иккиламчи материал ресурслари	6,0	0,57	0,33	0,10
3.	50% пахта толаси билан 50% жун толаси иккиламчи материал ресурслари	6,0	0,50	0,35	0,15
4.	70% пахта толаси билан 30% жун толаси иккиламчи материал ресурслари	6,0	0,50	0,38	0,12

Олиб борилган тадқиқот натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, 50% пахта толаси билан 50% пахта толаси чиқиндиларидан олинган нотўқиманинг кўрсаткичларига нисбатан солиштирсак, 50% пахта толаси билан 50% ипак чиқиндисидан олинган нотўқиманинг тўлиқ деформация таркиби 25,0% га камайди, қайишқоқ деформация 42,0% га ошди, эластик деформация ўзгармади, пластик деформация 70,0% га камайди, 70% пахта 50% пахта толаси билан 50% жун толаси чиқиндиларидан олинган нотўқиманинг тўлиқ деформация таркиби 25,0% га камайди, қайишқоқ деформация 34,0% га, эластик деформация 5,7% га ошди, пластик деформация 54,0% га камайди, 70% пахта толаси билан 30% жун толаси чиқиндисидан олинган нотўқиманинг тўлиқ деформация таркиби 25,0% га камайди, қайишқоқ деформация 34,0% га, эластик деформация 13,0% га ошди, пластик деформация 63,0% га камайди.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. Patxullayev S.U., Isaeva D.H., Shumqorova Sh.P., Ozarbayeva R.I., Effect of Secondary Raw Material on the Technological Signatures of Non-Woven Fabrics// J. "IJARSET" International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology -2020, -Vol. 7- Issue 5 -N. 13665-13668. (05.00.00; №8)

2. Мохирева И.А. Исследование потребительских свойств иглопробивных нетканых материалов из вторичного сырья. дис. канд. тех. наук, 2000.- 204 с.

